

OBILA DAVTRASIDA

№ 21
(471)
2021-yil
13-may
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



ЗИЁЛИ ЛЎЛИЛАР...

Бу қавминг ўзгариб бораётган турмуш тарзи фақат тиланчилик ортиданми?

3-бет.

ЭЗГУЛИК ҲАМИША



ЭЗГУЛИК КЕЛТИРАДИ

« Покланиш, меҳр-оқибат, инсонпарварлик, эзгулик, бағрикенглик ва саховат оии бўлган муборак Рамазон якунига етди. Бу қутлуғ паллада ҳаммининг кўнглидан шундай файзли ва баракотли кунларга етказгани учун Тангри таолога шукрона туйғуси, шундай саодатли оиларнинг яна кўпини кўриш умиди жой олган.

Ўзбекистонимизда Рамазон оии доимо хайрли тадбирларга бой бўлади. Жорий йил ҳам олижаноб халқимиз бу гўзал анъананинг барҳаёт ва бардавом эканини ҳар жабҳада кўрсатди. Ҳаёт эса эзгулик ҳаммиша эзгулик келтиришини тасдиқлади.

Хусусан, маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлар, ажодлар меросини тиклаш ва тарғиб этиш борасида сўз юритадиган бўлсак, бу йил Рамазон оии бошида давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятида муҳаддислар султони Имом Бухорий номига муносиб маҳобат касб этадиган ёдгорлик мажмуасининг қурилиш ишларини бошлаб берди. Шу муносабат билан нурунийлар ва зиёлилар билан ўтказилган учрашувда Президент бу қурилиш эзгу ниятлар ижобат бўладиган муқаддас ойда бошланаётгани хайрли ва хосиятли бўлишини, кишилар қалбига таскин беришини таъкидлади.

Бу ерда катта масжид, тўртта симметрик минора, баланд айвонлар қад ростлайди, йўлдан кириб келишда хиёбон очилади, 7 та меҳмонхона, 3 та автотурагоҳ ва автобекат, супермаркет, бозорча барпо этилади. Шунингдек, ошхоналар, хунармандлик буюмлари растаси, ҳаммом, таҳоратхона, кушхона қурилиши белгиланган. Қурилажак янги мажмуа 2019 йилдан бу ерда фаолият кўрсатиб келаётган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ҳадис илми мактаби билан мутаносибликда бетакрор ансамбль ҳосил қилади.

Умуман олганда, тарихда маърифат маркази ўлароқ ном қозонган Ўзбекистон замини бугунги кунда ҳам шундай сифатга ҳақли равишда муносиб бўлиши учун мамлакатимизда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳрида бунёд этилаётган Ислон цивилизацияси маркази Ўзбекистон халқаро Ислон академияси, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ҳадис илми мактаби каби маърифат масканлари билан биргаликда мамлакатимизда улкан яхлит маънавий-маърифий мажмуани вужудга келтиради.

Халқаро миқёсда Рамазоннинг қутлуғ келганига ёрқин далолат сифатида ЮНЕСКО Ижроия Кенгазининг 211-сессиясида буюк аллома ажодимиз Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллиги ушбу ташкилот шафеълигида 2022-2023 йилларда кенг нишонланиши бўйича қарор қабул қилинганини таъкидлаш ўринлидир. Яъни, бу қарор тарихан маърифат маркази бўлган юртимиз бугун ҳам илм-фан равнақи йўлидан, маънавий юксалиш йўлидан бораётганининг яна бир тасдиғи, жаҳоншумул эътирофи бўлди.

Ўзбекистоннинг миллий мерос, қадрият ва анъаналарни тиклаш ва тарғиб қилиш, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган, «**Жаҳолатга қарши – маърифат**» тамойилига асосланган бағрикенглик ва инсонпарварлик сиёсати хорижда нафақат сиё-

сий, балки илмий-маърифий доиралар томонидан ҳам муносиб баҳоланмоқда.

Мана, Таиланд Ислон маркази жамғармаси веб-сайтида эълон қилинган «**Ўзбекистонда жадал ўзгаришлар. Ислон олами Президент Шавкат Мирзиёев ислохотларини қўллаб-қувватламоқда**» сарлавҳали мақолада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, шу жумладан, инсон манфаатлари ва диний эркинликни таъминлаш, миллий ва диний қадриятларни янада мустаҳкамлаш ҳақида сўз борар экан,

«...сўнгги йилларда Ўзбекистонда юзлаб масжид ва ибодат масканлари қайта тиклангани, янги иншоотлар бунёд этилгани», жаҳон аҳли «билиши мумкин бўлган тарих такрорланаётгани, Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон яна ҳар томонлама ўсиш ва ривожланиш нуқтасига айлангани, бу ерда учинчи Ренессанс даври пойдевори яратилаётгани»

алоҳида таъкидланади. Таиланд Ислон маркази жамғармаси ўз мамлақати мусулмонларини Ўзбекистонга сафар қилишга, ислом цивилизацияси ва тарихи дурдоналари билан танишишга чақиради.

Индонезиянинг «Kompas» ахборот сайтида эса, буюк математик, астроном ва географ Хоразмий ҳаёти ва ижоди ҳақида мақола эълон қилиниб, унда муаллиф Маҳар Прастиви Ўрта аср Шарқи буюк алломасининг аниқ ва табиий фанлар ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида батафсил сўз юритган.

«*Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий математика тараққиётида муҳим ўрин тутган. У Фарб ва Европа мамлакатларида Алгоритмус номи билан ҳам машҳур. Алломанинг қаламига мансуб «Ал-жабр вал муқобала» асари алгебрани ўрганишга асос бўлган. Буюк олимнинг ақл-идроқи ва асарлари кўплаб Фарб олимларини имҳомлантирган. Жумладан, Коперник ҳам унинг асарлари ва кашфиётларидан ҳайратланганини эътироф этган. Хоразмий математикадан ташқари астрономия, музика, фалсафа, география, кимё ва бошқа фанлар бўйича ҳам етук олим бўлган, бир неча хорижий тилларни мукамал билган ва китоблар таржима қилган*», деб ёзади М.Пристави ва «*Жаҳон алгебрасининг отаси – Хоразмийнинг ҳаёти ва ижоди барчага намуна бўлиб хизмат қилади*», деб хулоса қилади.

Ўзбекистон раҳбарияти турли миллат ва конфессиялар ўртасида ўзаро ҳурмат, бирдамлик ва ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлаш, маданиятлараро мулоқотни таъминлашга қаратилган изчил ва пухта ўйланган сиёсат юритаётганини халқаро ҳамжамият кенг эътироф этади. Бунинг амалий самараси ҳозирги вақтда мамлакатимизда 16 та диний конфессия, 153 та миллий-маданий марказ, 38 та Дўстлик жамияти, 2276 та диний ташкилот тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлик шароитида фаолият юритиб келаётганида яққол намоён бўлади.

Сўнгги йилларда юртимизда экстремизм ва терроризмга қарши маърифий йўллар билан кураш олиб боришга алоҳида эътибор қаратилаётгани кўплаб давлатлар, халқаро ташкилотлар, мустақил экспертлар томонидан юқори баҳоланмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ИСТИХОЛА ШУНЧАЛИК НОЁБ БЎЛДИМИ?



Айтишларича, академик Тошмуҳаммад Қори Ниёзий аёлининг кўзига ҳеч маҳал тик қараб гапирмаган экан. Самарқандда академик Ботурхон Валихўжаев, профессорлар Сайдулла Мирзаев, Раҳмонқул Орзибеков турмуш ўртоғига шундай муносабатда бўлганини ўзим кўрганман.

Отам бобомнинг олдида ҳеч қачон оёқ узатиб ўтирмасди. Мен ҳам шундай қилардим. Ақлли раҳбарлар қариндоши, айниқса, оила аъзоларини ишга олишдан ҳайиқарди. Меҳмонликка борганда бошқаларга қараб дастурхонга қўл узатардик. Ҳомиладор ёки азалик аёлларга ҳазил қилишдан тортинардик.

Чунки истиҳола қилардик. Чунки ота-онамиз шу одатга ўргатишганди.

Истиҳола, назаримда, бировни аяш, ҳурмат қилишдан кўра, кўпроқ уни бошдан кечирган киши сабрини, оқиллигини кўрсатишга ўхшаб кетади. Истиҳола қилган инсон энг аввало ўзининг эзгу фазилатини намойиш этади. Истиҳолани ибрат, маданият, деб тушунаман. Аммо...

Бир куни хузуримга ёши етмишдан ошган қария арз билан келди:

– Ўғлим уйдан чиқараман, деяпти...

– Акам билан фермер хўжаликларимизни бирлаштиргандик. Энди у мени ерга киритмаяпти, – деб нолийди ягона даромад манбаидан ажралган йигит.

– Қизим билан куёвим тил бириктириб, мулкимни олиш учун ҳар куни порталга устимдан ёзади, – деди муштипар отахон...

Менинг эса юрагим оғрийди. Тўғри, ҳар бир низони қонуний ҳал қилиш мумкин, аммо инсон кўнглининг ўртасига тушиб, истиҳолани ўргатиб бўлармикан?

Халқ орасида «истиҳола қилдим», «истиҳола тортидим», «истиҳола билан

бор гапни айта олмадим», «истиҳолага бордим» деган иборалар мавжуд. Луғатда эса араб тилдан олинган бу сўз андиша, андишали мулоҳаза ҳисси, тортиниш маъносини англатади, дейилган.

Бу ҳам етмаганидек, айримлар давлат бюджетини «туяча» қилишда, ночорларга аталган маблағни ўзлаштиришда истиҳолани унутиб қўймоқда. Нега шундай бўляпти? Бу саволга аниқ жавоб излаш, топиш мавриди келди.

Истиҳола кўрқоқлик ёки ожизлик белгиси эмас. Аксинча, у инсоннинг юксак маънавиятини, сабру қаноатини намойиш этади. Чунки қарама-қарши фикрни, эътирозни бировга маданиятли, кўнглига тегмайдиган қилиб етказиш ҳамманинг қўлидан келавермайди.

Кимдир сизни хафа қилди? Кимгадир унинг камчилигини айтмоқчимисиз?

Унда, шошилманг, гапингизни обдан ўйлаб кўринг. Битта иллатни айтиб овоза соладиганлардан, ўзини адолатпеша, давр қахрамони деб ҳисоблаётганлардан улги олманг. Ота-она, ака-ука, ёши улуг ва болаларнинг кўнглини оғритадиган, нафсониятига тегадиган гаплардан тийилинг. Фикрингизни самимий, босиқлик билан изҳор этинг. Сиздаги истакнинг ҳаммаси ҳам адолат бўлавермайди. Ўзини мутлақ ҳақ деб билан кишида истиҳола бўлмайди.

Истиҳолали бўлайлик!

Фармон ТОШЕВ



Хушxabар

Уруш ва меҳнат фахрийларининг ПЕНСИЯСИ ИККИ БАРОБАР ОШИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг моддий таъминотини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, шунингдек, вояга етмаган даврида фашистлар концлагерларида асирликда бўлган ва Ленинград шаҳрида камал шароитида меҳнат қилган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори шу йил 10 майдан бошлаб 2,5 миллион сўм этиб белгиланмоқда.

Ҳозирги кунда Иккинчи жаҳон

уруши қатнашчиларининг энг кам пенсия миқдори 800 минг сўмни, ўртача ҳисобда эса 1 миллион 700 минг сўмни ташкил этмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур Фармон асосида жорий этилаётган янги ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими уруш ва меҳнат фахрийларининг пенсиялари ҳажминини 2 баробар ошириш имконини беради.

Таълим

ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИГА КИРИШ УЧУН ИМТИХОНЛАР ҚАНДАЙ ТАРТИБДА ЎТКАЗИЛАДИ?

Ҳадемай умумтаълим мактабларида ўқув йили ниҳоясига етиб, Президент, ихтисослаштирилган, ижод мактаблари учун янги ўқув йилига қабул жараёни бошланади. Маълумки, ҳар бир ҳудудда биттадан, жами 14 та Президент мактаби ташкил қилинмоқда.



Ҳамма ҳам фарзанди шундай мактабда ўқишини истайди. Аммо ўринлар сони чегараланган ва шу боис энг билимли ўқувчилар саралаб олинади. Хўш, Президент мактабларига қабул ва кириш имтиҳонларини ўтказиш тартиби қандай? Ҳужжат топшириш, имтиҳон жараёнлари қай йўсинда бўлади?

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги томонидан ўтказилган матбуот анжуманида бу ҳақда батафсил маълумот берилди.

– Президент мактабининг йиллик қабул квотаси 5-синф учун 24 нафар ўқувчидан иборат бўлиб, иккита синфга бир хил – 12 нафардан ўқувчи тақсимланади, – дейди Агентлик директори Ҳилола Умарова. – Кириш имтиҳонларини

ўтказиш муддати ва жойлари қабул комиссияси томонидан белгиланади. Имтиҳонлар икки босқичда бўлади. Натижаларни текшириш ва талабгорларнинг жавобларини баҳолаш таълим соҳасида фаолият юритувчи хорижий ташкилот «Cambridge Assessment» томонидан амалга оширилади.

Кириш имтиҳонларига тааллуқли барча материаллар (сўровномалар, тестлар, жавоблар ва бошқалар) махфий характерга эга ҳисобланади. Имтиҳонлар албатта видеокузатув ва бошқа техник воситалар қўлланган ҳолда махсус ажратилган жойларда ўтказилади.

Шунини ҳам алоҳида эслатиш керакки, кириш имтиҳонлари (1-2 босқич) натижалари қайта кўриб чиқилмайди. Кириш имтиҳонлари натижалари бўйича имтиҳон материаллари талабгорларга тақдим этилмайди.

ЭЗГУЛИК ҲАМИША ЭЗГУЛИК КЕЛТИРАДИ

(Бошланғич 1-бетда)

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, экстремистик оқимлар сафига адашиб кириб қолган, қилган ишидан чин дилдан пушаймон бўлганларга нисбатан кечиримлилик сиёсатини юритиш, ёшларни турли бузғунчи оқимлар таъсиридан асраш бўйича тарғибот ишларини фаоллаштириш долзарб вазифалар сирасидан тушмай келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг бевосита топшириғи ва назорати остида «Меҳр» операциялари орқали хорижий давлатларда

қийин аҳволга тушиб қолган, хусусан, уруш ўчоқларида сарсон-саргардон юрган ватандошларимизга кўмаклашиш, уларни юртга қайтариб, муносиб ҳаёт тарзини яратиш бериш борасида амалга оширилаётган оламшумул саъй-ҳаракатлар замирида ҳам ана шундай юксак инсонпарварлик тамойиллари ўз ифодасини топган. Яқинда навбатдаги «Меҳр-5» операцияси амалга оширилди – Сурия ҳудудидаги «оловли нуқталар»га бориб қолиб, «Ал-Хол» лагерида уч йилдан ортиқ вақт давомида

ушлаб турилган 24 аёл ва 69 бола мамлакатимизга қайтарилди. Бундай тадбирларнинг узвийлиги, бардавонлиги давлат сиёсатининг қатъийлигидан дарак беради, албатта.

Зиёрат туризмни иқтисодий стратегик тармоқларидан бири сифатида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қатор фармон ва қарорлар асосида бу соҳани ўз тараққиётининг мутлақ янги босқичига кўтариш бўйича кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг замирида фақат иқтисодий манфаат

эмас, ижтимоий барқарорлик, маънавий юксалиш мақсадлари ҳам мужассам, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу тариха ортда қолган муборак ой мана шундай хайрли, ёрқин амаллар тўғрисида яна ҳам файзли ва баракали бўлди. Биз келаси Рамазонга қадар шундай руҳият, шундай илҳом, шундай жўшқинлик, шундай шижоат билан ҳаёт кечиришга шайландик ва бугунги шукуҳли айёмда бир-биримизга ҳар қачонгидан кўра яқинроқ, ҳар қачонгидан кўра жипсрокмиз. «Рамазон яқунланиб қолга-

нидан кўп ачинма, келаси йил у ўн кун олдинроқ келади», дейдилар.

Ойлар султонининг таассуротлари, истиқболга тикилган умидли нигоҳлар ҳаммамизни ҳаммаиша меҳр-оқибат, инсонпарварлик, эзгулик, бағрикенглик ва саховатлилик каби фазилатларга йўлдош қилсин! Йиди Рамазон барчамизга муборак бўлсин!

Шовосил ЗИЁДОВ,
Имом Бухорий халқаро
илмий-тадқиқот маркази
директори

ЗИЁЛИ ЛЎЛИЛАР...

Бу қавмнинг ўзгариб бораётган турмуш тарзи фақат тиланчилик ортиданми?



Кунлар бироз исиб, кўча-кўйда курсдошларимиз билан боғу хиёбонларда сайр қилиб юрадиган дамлар келди. Гуруҳдош қизларимиз билан Амир Темур хиёбонига бормоқчи бўлдик. Сайлгоҳ кўчасидаги рассомлар ишини кузатиш, велосипед учиш ҳамда ёшликнинг қувноқ ўйин-кулги, ҳазил-ҳузуллари билан музқаймоқ еб чақ-чақлашишга нима етсин.

Гапни бир ерга қўйиб университети-миздан хиёбон томон пиёда йўл олдик. Етиб боргунча ҳам сабримиз чидамай йўлдаги дўкончадан ҳаммамиз музқаймоқ, ширин ичимликлар олдик. Кайфиятимиз зўр, хурсанд эдик. Бир-биримизда илиқлик ҳис қилардик. Олой бозори олдида етганимизда эса мана шу қувноқ кайфиятимизни қора булут каби бўғадиган манзара бошланди. Қўлига «Ота-онам йўқ. Ёлғиз акам ногирон. Мана шу акамнинг дориси учун ёрдам беринг» деб ёзилган, ғижим ва кир қоғозларни ушлаб олган лўли болалар йўлимизни тўсди (*кўриниши ва гап-ришидан лўли экани билиниб турарди*). Уларни ҳар куни – ўқишга кетишда ҳам, қайтишда ҳам кўраман. Дарсга кеч қолмай деб тонгсаҳар ғира-ширада йўлга чиққанимизда ҳам бу болалар мана шу ерда бўлишади. Анча вақтдан буён ювилмаганидан бўлса керак қорайиб, тўрлаб кетган қўллари тонг соғуғидан тинмай қалтирайдилар. Боғча ёшидаги бу мурғак гўдакларга Худодан кўркмай «Ота-онам йўқ. Ёлғиз акам ногирон...» деб ёзиб берган (*онаси ва оналари бўлса керак*) оила аъзолари эса йўл четидаги бекатда қўлларини қўлтиққа тикқанча сақич чайнаб ўтиришади. Болалар ҳам на вирусдан кўрқадилар, на одамларнинг жаҳлидан. Учраган ҳамма одамга қўл уриб садақа сўрайди. Хуллас, уларга садақа бермадим. Бирок улар мендан нари кетиб энди курсдош қизларимизнинг елкасини силаб тилана бошлади. Пулим

йўқ, деса ҳам ҳеч ортидан қолмайди. Биттаси уятчанроқ курсдошимизнинг қўлидаги еб келаётган музқаймоқ ва «пепси»ни кир қўллари билан чангаллади. Курсдошимиз одамлар орасида уялганидан ҳам бериб юборди. Кўриб тоза жаҳлим чиқди. Одамлар бор-йўқлигига қарамай баланд овозда уришдим. Лўли бола гапларимдан хафа бўлиш ўрнига устимдан қулиб, яна тилини кўрсатиб эрмак ҳам қилиб қочди. Ёнимиздан ўтаётган бир ёши катгарок онахон «Кўй ўғлим, лўли билан тенг бўлма, уларнинг ўзи ҳаммаси шундай бўлади», деб таскин бермоқчи бўлди. Ўртоқларим ҳам бир-икки бор ўзингни бос дегандан сўнг тинчландим. Йўлда кетарканман Фарғонадаги бир ҳолат ёдимга тушди.

Ёзёвон туманидаги «Марказий Фарғона» газетаси таҳририяти ижодкорлар клубига борардим. Бир сафар тўпланганимизда бир ижодкор қиз, лўлилардан гап очиб қолди (*менинг аҳволимга тушган бўлса керак*). Шу лўлилар ҳам тиланчиликдан бошқа иш қилармикин? Юртимизда уларнинг борлиги биз учун энг катта доғ эмасми? Улар ҳам ўқиса, яхши ишларда ишласа бўлмасмикин, деб хуноб бўларди... Унинг гапларини жимгина тинглаб ўтирган чиройли, оппоқ бир киз паст овозда жавоб қайтарди: «Тоғаларим ҳарбий, холам ўқитувчи, ўзим лўлиман...» Барчамиз дид билан кийинган, камтар ва камсуқум бу қизнинг жавоб



бидан тахтадек қотиб қолдик. Чунки ҳаммамиз лўлиларни фақат тиланчилик қилади, эски-туски йиғиб юради холос, деб ўйлардик-да. Шу воқеадан кейин лўлилар ҳақида маълумот изладим.

«Қадимда кўчманчи ҳаёт кечирган бу қавм вакиллари қандай географик, ижтимоий, маданий муҳитга тушсалар, шунга мос касб-корни эгаллаб бораверганлар. Масалан, Марказий Осиё лўлилари XIX аср охирига қадар от даллолик, зулук сотиш, ёғочлардан турли уй-рўзгор буюмларини тайёрлаш, паншаха, кетмон, ғилдирак туғини, ғилдирак гупчагини чархлаш, дўппи, белбоғ тикиш, қалайдан ҳалқа ясаш каби машғулотларга укувлари баланд бўлган. Шу билан бир қаторда, заргарлик, паранжи учун отнинг қилидан чачвон тайёрлаш ҳам этник гуруҳ вакиллари фаолиятининг бир қисмини ташкил этган. Лўлиларнинг мусика, рақс, ҳайвонларни ўргатувчиликка рағбатлари кучли бўлиб, бозорлар, сайллар, жамоат жойларида турли халқ томошаларини кўрсатиб, шухрат қозонганлар. Аёлларнинг кўпчилиги эса, халқ табобати ва

тиланчилик билан шуғулланиш орқали оила иқтисодига сезиларли ҳисса қўшганлар. Бундан ташқари, лўли этник гуруҳларидан бири – мазанглар ўтроқ ҳаёт кечириб, бошқа уруғларидан фарқли равишда асосан деҳқончилик қилиб, аёллари турли пардоз буюмлари савдоси билан машғул бўлишган...» Бу маълумотлар билан танишиб ҳамда юқоридаги қизнинг гапини эшитиб, лўлилар қадимдан фақатгина тиланчи бўлган деган фикримдан батамом қайтдим.

Интернет маълумотларига кўра, бугун Ўзбекистонда истиқомат қилаётган лўлиларнинг турмуш тарзи ўтмишдагидан анча фарқ қилиб, ижтимоий ва маданий ривожланиш кўзга ташланади. Давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган шароитлардан лўлилар ҳам фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Шу даврларда лўлиларнинг орасидан тадбиркорлик ёки кичик бизнес билан шуғулланувчи қатлам шаклланди. Таълим жараёнларига кенг қўламда камраб олинди, улар орасидан маълумотли кадрлар етиша бошлади.

Демак уларнинг ҳам боқиманда ва дангасаларигина тиланчи бўлиб қоляпти. Биз эса ўзимизнинг «саховатимиз» билан уларнинг мана шу «касб»ини давом эттиришларига сабабчи бўляпмиз. Ўзимча фикр қиламан, балки ҳеч ким қўл узатмаса (*садақа бермаса*), юришлари бесамар бўлаётган болалар ҳам бир куни мактабга боришни истаб қолар. Балки оммавий ахборот воситалари орқали ўз ишини йўлга қўйган, ҳавас қилса арзигудек шароитда яшайдиган лўлиларни уларга ибрат қилиб кўрсатиш билан тўғри йўлга бошлаш мумкин. Ахир юқорида айтганимиздек зиёли, ишбилармон, тадбиркор лўлилар ҳам бор. Балки бу уларни яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, ижобий ҳаракатларга руҳлантирар. Албатта биз бунга катта умид қилардик.

Қамолдин РЎЗИМАТОВ,
ЎзЖОКУ ҳарбий журналистика
йўналиши талабаси

ТОШКЕНТДАГИ ТУҒРУҚХОНА

ВИЛОЯТЛИК АЁЛНИ ҚАБУЛ ҚИЛМАДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги баёнот берди

Ижтимоий тармоқларда Тошкент шаҳар 1-сон туғруқ комплексига ҳомиладор аёлни олиб келган турмуш ўртоғи томонидан суратга олинган видеоматериал пайдо бўлди.

Унда айтилишича, ҳомиласи етилиб, туғруқ оғриқлари бошланган бўлса-да, аёлни ушбу тиббиёт муассасасига қабул қилишмаган ҳамда унга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатилмаган.

ССВ матбуот хизматида кўра, мазкур масала юзасидан соғлиқни сақлаш вазири А.Ҳаджибаев туғруққа ихтисослашган шаҳар ва республика тиббиёт муассасалари бош врачлари иштирокида тезкор йиғилиш ўтказган. Шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига кўра, ҳомиладор аёл О.С. 2000 йилда туғилган бўлиб, Самарканд вилояти, Иштихон ту-

манида доимий рўйхатда туриб, ҳозирда Тошкент вилояти Янгийўл туманида истиқомат қилади.

Дастлабки маълумотларга қараганда, ушбу воқеа тарқалган хабарларда айтилганидек, 29 май куни эмас, шу йилнинг 29 апрель куни содир бўлган. Шу куни соат 04:25 да аёлни турмуш ўртоғи Х.М. туғруқ оғриқларидан шикоят қилгани учун Тошкент шаҳар 1-сон туғруқ комплексига олиб келган.

Аммо аёлнинг алмашув варақасида Янгийўл тумани 69-сон қишлоқ шифокорлик пунктида рўйхатда турганини инобатга олиб, дислокация бўйича Янгийўл тумани туғруқ комплексига ёки Тошкент тиббиёт академиясининг 1-клиникасидаги туғруқ бўлимига бориш тавсия қилинган.

Шу куни соат 5:40 лар атрофида ҳомиладор аёл турмуш ўртоғи томонидан чақирилган тез тиббий ёрдам машинасида Тошкент тиббиёт академиясининг 1-клиникаси туғруқ бўлимига олиб борилган ва 29 апрель куни киз фарзанд



дунёга келган. Туғруқдан кейинги давр асоратсиз ўтган. Шу йилнинг 3 май куни аёл фарзанди билан аҳволи қониқарли ҳолатда уйига жавоб берилган.

Ушбу вазият сабаб Тошкент шаҳар ССВ бошлиғининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда репродуктив саломатлик бўйича ўринбосари Р.Ҳайитбаева, туғруқ комплекси бош шифокори Р.Алимжановалар эгаллаб турган вазифасидан озод этилди.

Шунингдек, ўз ишига совоконлик билан қарагани ва ҳомиладор аёлга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатмагани учун қатор тиббиёт ходимларига ҳам тегишли чоралар қўрилди.

Р.С. Ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларидан бири шундай ёзади:

«Афсуски Сергели туғруқхонаси билан боғлиқ бу ҳолат ягона эмас. Бундан анча йил илгари, Тошкент шаҳрида пропискамиз йўқ вақти ярим кечаси, аёлим ҳомиладорлигининг сўнгги кунларида тўсатдан аҳволи оғирлашиб қолганида олиб борганман. Шифокор текшириб кўриб, бола муддатидан олдин туғилиши мумкинлигини, аммо ҳозир қабул қила олмаслигини айтган. Сергелида яшайман, ярим кеча ахир, дея қанча тушунтирмайин, барибир қабул қилмаган, ТошМИга олиб боринг дейишган. Майли, ҳозирги хавфли пайтида қабул қилиб турунлар, эрталаб олиб кетаман десам ҳам йўқ деб туриб олган. ТошМИга етиб боргунча (30 километр ахир) бола туғилиб қолса нима бўлади, деб сўрасам, шундай бўлиши мумкин, лекин унга биз жавоб бермаймиз деган кўзини лўқ қилиб...»

Хуллас, ТошМИга олиб боришга мажбур бўлганман. Аллоҳ меҳрибон, кўп ўтмай хавф ортда қолиб, фарзандимиз ўз муддатига келиб туғилди. Лекин шифокорнинг ўша ҳаракати менда кучли нафрат қолдирди, қаттиқ оғриндим...

Сергели туғруқхонасида яқинда юз берган ҳолатни ўқиб ўша кунги аччиқ аламларим янгилагандек бўлди...»

Абулқосим МАМАРАСУЛОВ

МЕН ҚАНДАЙ ЁЗУВЧИ БЎЛГАН ЭДИМ?..

(Абдусайд Кўчимовга табрик ўрнида)

1990 йил 22 январь.

Бир неча кунга чўзилган бош-оғриқлардан сўнг, ниҳоят, Одил ака анча ўзига келди. Яхши таклиф айдиларинг, деди... Шундан сўнг биз хайрлашдик. Маълум бўлишича, икки ой бурун Одил аканинг яна бир шогирди Абдусайд Кўчимовни Ўзбекистон комсомоли марказий комитети биринчи котиби Азиз Носиров чакирибди-да:

– Ариза бериб, ишдан бўша, сенга бошқа иш топамиз, – дебди. Одил Ёкубов аралашгандан кейин Абдусайд Кўчимов жойида қолди. 20 январь куни Азиз Носиров А.Кўчимовни яна чакириб: – Энди у ёқ-бу ёққа чопма. Ишдан яхшиликча бўша, ўзингга яхши бўлади. Мана сенга иш: «Ёш куч» журнаliga мухаррир ўринбосари, «Ёш гвардия» нашриётига бўлим мудир, комсомол марказий комитетида бўлим мудир... деб, уч жойдан иш таклиф қилибди. Кўчимовни бу сафар «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси бош мухаррири, СССР халқ депутати Аҳмаджон Мухторов ҳимоя қилган. Аҳмаджон Мухторов билан Азиз Носиров Самарқанднинг бир маҳалласидан. Абдусайд ака эса Самарқанднинг Ургутдан.

– Сен ўзи нима қиялсан? – деб сўрабди Аҳмаджон ака Азиз Носировдан телефонда.

– Ўзимча бир иш қилаётганим йўқ, ака, – дебди Азиз Носиров. – Бу ёғини сўрасангиз, ўзимнинг ҳам аҳволим яхши эмас. Тепадан буйруқ беришяпти. Кўчимов Одил Ёкубовнинг шогирди эмиш...

– Ўша тепадагиларинг яна қанча вақт давру даврон суради? Сенга айтиб кўяй: икки йилга етмайди. Кўчимовни бўшатсам ўзим омон қоламан, деб ўйла-япсанми? Уни бўшатасан, кейин навбат ўзингга келади.

Шу гап билан Азиз Носиров мардлик қилиб, ҳамма юкни ўзига олиб, Абдусайд Кўчимовни жойидан кўзгатмапти.

1990 йил 16 февраль.

Тунда (соат тонг олди 3 да) Шукур, Мурод ака, Гаффор ака учовлон Шукурнинг «Жигули»сида Бўстонга, бизни келишди. ЎзССР халқ депутатлигига номзоди кўйилган ёзувчи, «Ленин учқуни» газетаси бош мухаррири Абдусайд Кўчимовни ҳимоя қилиш учун Ургутга боришгаётган экан. Озрок суҳбатлашиб, кейин ухладик. Маълум бўлишича, А.Кўчимов сайланаётган округга қарашли хўжалиқлар раисларига, қишлоқ советларига, округ комиссия раисига Тошкентдан телеграмма борибди: «Абдусайд Кўчимов кўпгина нопок ишларга қўл ургани сабабли ҳозир КПСС аъзолигидан ўчирилиш арафасида. Шунингдек, А.Кўчимов жиноий жавобгарликка тортилиб, устидан тергов кетяпти. Биз бундай одам ЎзССР халқ депутатлигига нолойик, деб ҳисоблаймиз. «Ленин учқуни» газетаси коллективи номидан Ё.Раҳимова». Ургут район партия комитети биринчи котиби Ўлмас Маҳматмуродов Абдусайд Кўчимовга қарши. А.Кўчимовга альтернатив тарзда картошкачилик бригадири Номоз Баратов кўйилган, райком котиби ўша одамни ўтказишга уринаётган эмиш. Шу сабабли Абдусайд Кўчимовга бор имконияти даражасида қаршилиқ кўрсатаётган эмиш. Шу сабабли Абдусайд акани кўпчилик бўлиб қўллаш керак керак.

* Шу номли бадиадан парча

1990 йил 17 февраль.

Эрталаб мен ҳам қўшилиб, Самарқандга жўнадик. Самарқанд оближ-роқум раиси Тошбўри Қиличев Шукурнинг оғайниси экан. Тўртовлон Тошбўри аканинг қабулида бўлдик. Танишдик. Ўзимизга ўхшаган оддий, қишлоқ йигити экан. Яхши суҳбатлашдик. Жиззах вилояти қайта тиклангани ҳақида қарор чиққан газетани бизга кўрсатди. «Абдусайд Кўчимов масаласи оғир, райкомнинг биринчи котиби унга қарши», деди.

– Тошкентдан тазйик борми? – сўради Гаффор ака.

– Йўқ. Тошкентдан ҳам, вилоятдан ҳам ҳеч кимнинг иши бўлгани йўқ. Фақат Ўлмас ака қаттиқ қарши. Ўтиши кийинга ўхшайди.

– Абдусайд Кўчимовни ишдан бўшатишга уринишлар бўлган эди, – деди ака бўш келмай.



Суратда: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ёзувчи Абдусайд Кўчимов ўзининг яқин қадрдон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Азим Суюн билан.

– Мен бу масалани Ўзбекистон комсомоли марказий комитети биринчи котиби Азиз Носиров билан гаплашдим, – деди Тошбўри ака. – Тепадан ҳеч қим аралашмаган. Азиз Носиров билан Ўлмас Маҳматмуродов қалин дўст. «Бошқа ишга ўтказамиз» десак, Абдусайд Кўчимов депутатлик даъвосидан воз кечадими, деб ўйлаган эдик», деди Азиз Носиров...

Кечгача Ургутнинг «Правда» колхозига етиб бордик. Биздан кейин яна бир қанча журналист ва ижодкорлар Тошкентдан етиб келишди. Ўттиз нафардан ошиб кетди-ов. Маҳаллий аҳолининг аксарияти ҳам Абдусайд аканинг хонадонидан аримас, ховли худди тўй бўлаётгандек гавжум эди. Хуллас, маҳаллий фаолларнинг гапига қараганда, ҳақиқатан ҳам вазият яхши эмас, аммо умидсиз ҳам эмас. Аксарият қишлоқлар аҳли картошкачи бизга нима қилиб берарди, картошканин экаверсин, бизга марказдаги журналист керак. Ҳозир журналистлар жуда кўп нарсаларни ҳал қилиб юборишяпти. Агар фойдаси тегса, фақат Кўчимовнинг фойдаси тегиши мумкин, шу сабабли биз Кўчимовга овоз берамиз, дейишгаётган экан. Фаоллар сайлов комиссияси билан келишиб, ҳар бир сайлов участкасида

ҳар бир депутатликка номзоднинг кузатувчилари иштирок этишига розилик олишибди. Шу сабабли бизлар участкаларга таксимландик: ҳар бир участкада биттадан тошкентлик ижодкор ва биттадан маҳаллий фаол. Яъни ҳар бир участкада Абдусайд Кўчимовнинг иккитадан кузатувчиси: сайловнинг қонун-қоидаларга биноан ўтказилиши, ҳар бир сайловчи биттадан овоз беришини таъминлаш ва ҳоказоларни кузатиш зиммамизга тушди. Мени Омонқўтонга жўнатдилар. Гаффор ака барча журналистлар устидан назоратчи сифатида сайлов участкаларини айланиб юрди.

Кейин билсам, Абдусайд ака учун Омонқўтон энг оғир участкалардан бири бўлиб, улар картошкачи йигитга овоз бериш учун тайёрланишган экан. Шу сабабли мени атайлаб



Абдусайд КўЧИМОВ

ТАШВИШ...

Бугун юракларни чақмоқдай тилиб,
Азобу оғриқдан титраб зиёда;
Гоҳ эрмак, гоҳида масҳара қилиб,
Отлиққа тош отар жами пиеда.
Дўстлар, ҳар лаҳзамиз эмас қуёшлик,
Беғуноҳ зот йўқдир ёруғ дунёда.
Тоза бўлмагандек ҳар битта бошлиқ,
Мусаффо эмас-ку, ҳамма пиеда...
Хуллас таъвишимнинг жўндир якуни:
Билмайин ҳар кимга тошлар отмайлик.
Жамол кўрсатмай қиёмат куни,
Гуноҳи азимга ботмайлик...

ТЎРТЛИКЛАР

Ҳаёт бозор эди бизларгача ҳам,
Биздан сўнг ҳам шундай қолаверади.
Бозорда савдомиз тамом бўлган дам,
Мозорлар бағрига олаверади.
* * *

Тавалло қилса ҳам, чекса ҳам фиғон
Ишонма, дўст бўлиб қолмайди бахил.
Юз марта нўстини ташлаган илон
Ипакка айланиб қолмайди, ахир!
* * *

Агарки, кимгадир қилсанг яхшилик
Ўша нафасдаёқ эсингдан чиқар.
Аммо, кимлардандир кўрсанг яхшилик
Унутма энг сўнгги дамингга қадар.



Шу яқин агрофда Карим Баҳриев ҳам депутатликка сайланаётган, у округда тўртта номзод битта ўрин учун талашаётган эдилар. Тунда бизлардан бир-икки вакил Карим Баҳриевга «ҳорма»га бориб келишди. «Аҳволи яхши шекилли, жудаям хотиржам», дейишди қайтиб келиб. Эртаси куни маълум бўлдик, у саксон фойз овоз йиғиб, депутатликка сайланибди. Абдусайд ака ҳам депутат бўлди. Эртасига эрталаб, депутатликни ювдик.

– Мана энди, ҳаммамиз «Ленин учқуни»га мақолалар, асарлар ёзамиз, – дедим мен ногоҳ, гўё хизматимизни писанда қилгандай. Ўттиз нафар ижодкор бирдан ўнғайсизланиб қолишди.

– Жуда яхши-да, – деди Абдусайд ака, мени ҳам, бошқаларни ҳам ноқулай вазиятдан қутқариб, – қанча кўп ижодкор болалар учун ёзса, ўзбек болалар адабиёти шунчалар кўп ютади.

Мана шунақа гаплар...
* * *

Бундай ўйлаб қарасам, ўша гапларга ҳам ўттиз йилдан ошиб кетибди. Ўша пайтдаги навкирон, куч-қувватга тўлган, депутат бўлиб, имконларим ошиб, халқимга янада кўпроқ хизмат қилай, деган Абдусайд ака Кўчимов бугун етмиш ёшни қарши олмоқда.

Ва энг асосийси, Абдусайд ака бугун ҳам халқ хизматида. Нафақат Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигини энг халқчил давлат сайтларидан бирига айлантира олгани билан, балки ўз ижоди билан, ОАВга – Одил Ёкубов, Абдулла Орипов ва бошқа адабиётимиз дарғалари ҳақида бераётган халис, ҳаққоний хотира-интервьюлари билан бугун ҳам хизматда!

Халққа хизмат қилишда гап кўп.


Абдусайд ака саксонгаям етсин, тўқсондан ҳам ошсин, майли, мандан нима кетди, юзгаям кирсин, халққа хизмат қилаверсин, асло чарчамасин!

Абдусайд акага, оиласига соғлиқ омонлик тилайман.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БУЛОҚБОШИ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ ЖАМОАСИ

Гўзал ва мафтункор Ўзбекистонимизда истиқомат қилаётган барча юртдошларимизни эзгулик, хайр-саховат, меҳр-оқибат ойи бўлган Рамазон ҳайити байрами билан самимий муборакбод этади!

*Юртимизни тинчлик-
хотиржамлик,
хонадонларимизни файз-
барака, кўнгишларни эзгулик
ва шукроналик туйғулари
асло тарк этмасин!*



*Халқ аро яхшироқ дединг кимдир,
Эшитиб айла шубҳа рафъандин.
Яхшироқ бил ани улус ароким,
Этса кўпрак улусга нафъандин.*

Алишер Навоий

*Юртимиз осмони ҳамиша мусаффо, турмушимиз
фаравон бўлсин,*

Ҳайит айёмининг муборак шукӯҳи ҳар бир хонадонга кириб борсин!

ЭЪТИБОР ВА КЎМАККА МУХТОЖ ХОНБАНДИ

Бу маскан дунё саёхатчиларини ўзига жалб қилиши мумкин

«

Баҳорда инсон руҳиятида юз берадиган толиқишдан қутулгиси, танасида йил бўйи йиғилиб қолган қандайдир рутубатларни тарқатиб юборгиси келади. Шунинг учун ҳам кўпчилик бундай паллада табиат кўйнига ошиқади. Юртимизда ўзининг таровати билан бағрига чорлайдиган сўлим гўшалар бисёр. Лекин Жиззахнинг бетакрор Фориш тоғлари бағрида шундай бир маскан борки, ундан кўпчиликнинг хабари бўлмаса керак.

Бу масканда тоза ҳаво, гўзал манзаралар, лола, пидана, равочларнинг хушбўйидан тўйгунча бахраманд бўласиз. Тоғлар бағридаги ўсимлик ва ҳайвонот олами ёввойи табиатни кўз олдингизда намоён этади. Фориш тоғларининг кўрки бўлган «Қизучган», «Отучган» қоялари теграсидаги ўнгирлар, қоялар ва сайхонликларни кезиш асносида руҳингиз янгилангандек бўлади, чарчоқлардан батамом холос бўласиз.

...Олдинда Шалдирак дараси. «Қани, тезроқ кела қолинглар-чи, мехмонлар», дея йўлбошловчи кутиб турарди. Йўлга чиқишимиз билан ҳаял ўтмай, қишин-ёзин бағридан қор аримайдиган улкан ва салобатли тоғлар бизни қарши олди. Бу жойларни пой-пиёда кезар эканман, умримда эсдан чиқмайдиган саёхат бўлишига асло шубҳам йўқ эди.

Шундоққина тошнинг остидан семизгина қаклик пир этиб осмонга кўтарилди. Сал нарига бориб катта тош устига ўзини отди. Сайрай туриб чор-атрофга аланг-жалаң қараб кўярди. Назаримда у

бирор бир йиртқичнинг келиб қолишидан ҳавотирда эди. Фақатгина нарини кўрган захоти модаси сал ўзини босиб олди. Бу жуфт куш жўр овозда ашуласини бошлаб



юборди. Сал нарида қоққан қозикдай турган айёр тулки «кўлимга тушсанг ўзим билардим» дегандек оғзидан сувини оқишиб қўя қолди. Аммо у ҳарқанча уринмасин барибир қакликларни тузоғига тушира олмасди.

Неча юз йиллар нарисиди Фориш тоғларида қад керган бу манзилда катта сувлик ҳосил бўлган ва кейинчалик Хонбанди сув омбори бунёд этилган. Умумий тарзда ушбу ҳудуд Боғдонсой сув омбори, деб ҳам юритилади. Маҳаллий аҳоли бу жойни Хонбанди деб атаб келади.

Бу жойнинг ҳавосида аллақандай ёқимли табиат хиди кезиб юради. Алвон рангдаги уфқ оқишга шай ҳолатда турган дарёни ёдга солиб юборади. Хонбанди тўғони оша, чағир тошли йўл ўтган. Шу жойдан пастликка тикиламан. Шунда сув омбори ичини Нурота тизма тоғларидан шитоб билан оқиб келаётган ирмоқларнинг лойқалари, қуримлари босиб кетганига кўзим тушади. Неча замонлардан бери иншоот ўз холига ташлаб қўйилган. Асрлар талотўпларига, қанчадан-қанча воқеа-ходисаларга тилсиз гувоҳ бўлиб келаётган бу ноёб иншоотни асл холига қайтариш, гуллаб-яшнатиш ҳеч кимнинг ёдига келмаётир. Афсуски, шундай ғаройиб сув омбори инсонларнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги туфайли борган сари мунгайиб, таназзулга юз тутиб бораётир. Аслида озгина эътибор қаратилса, ўз кўрки, тароватини сақлаб қолган мазкур сув омборини аввалги холига қайтарса бўлади. Бунинг учун сув омборини аввал бошда қурулмалардан тозалаш, тўғонларни реконструкция қилиш талаб этилади.

Тарихий маълумотларга кўра, тўғон қурилишида бир сиким ҳам тупрок

ишлатилмаган экан. Улкан тошлар майдаланиб, кумга айлантирилган ва арвона туялардан соғиб олинган сут – кимрон билан обдан қориштирилган. Қиёмига етказилган қоришмадан цемент ўрнида фойдаланилган. Бу ота-боболаримизнинг нақадар топқир бўлганидан далолат беради. Шу ерлик маҳаллий аҳоли билан гурунглашиб қолгудек бўлсангиз бу ҳақда бир-бирдан қизиқ ва ажабтовур воқеа-ходисаларни сўзлаб беришади.

Қани энди, бирор-бир мард чиқиб, ҳафсала ва жон-жаҳди билан мазкур сув омборини тозалатса, таъмирдан чиқарса, у яна минг-минглаб ердаги экин майдонларини гуллаб-яшнаган, қанчадан-қанча ризк-рўз тортиқ этган бўларди. Бундай бўлишини маҳаллий аҳоли чин дилдан истади. Тўғри, бу ишни кўплаб техника, катта ишчи кучи, маблағсиз амалга ошириб бўлмайди. Нафсиламбирини айтганда, давлатнинг эътибори, ҳукуматнинг кўмаги зарур бу жойга.

Сув омбори жойлашган манзилдан қарасангиз, мовий осмон оғушида, тумандек ёйилган тоғ-даралардан асло кўз узолмайсиз. Бу улкан, мовий тоғлар Форишнинг овлоқ туман эканлигини ёдга солиб тургандай эди гуё. Назаримда бу манзилларда табиат яшартириб қўйган сўлим ва сулув гўшалар менга она Ватанини севишни ўргатаётгандай эди. Чор-атрофни Ўртақишлоқ, Ёмчи, Илончи, Сайёд сингари мўъжаз қишлоқлар ўраб туради. Пастликда, энишда тоғ одамлари тирикчиликнинг чеки ва чегараси йўқ ташвишида ғимирлагани-ғимирлагани. Кимдир омоч билан ер ағдармоқда. Сал нарида боғбон Форишнинг ўша номдор қора кишмишини зўр бериб чиғилдан ўтказяпти. Ёнида пилдираб юрган болақай оби-тобига келган, шиғилаб қуриган ширадор майизларни қопларга жойламоқда. Соё кирғоғида озод юрган тойлар бир-бирига суйкалганча қаттиқ-қаттиқ кишнади. Хуллас, тоғ қишлоқларида одамлар тирикчилик ғамида қуймаланади. Тоғ одамларининг жонига тўзим тилаб қуёш қондалаш уфқ бағрига бош кўяр маҳалда биз ҳам ортга қайтдик.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» муҳбири

Яхшилар ёди

УСТОЗЛИК ҚИСМАТИ

«
Ҳаётда турфа умрлар бўлади. Кимнингдир умри ҳаёти тугаши билан тугаб битади. Яна кимдир хайрли ишлари ўзидан кейин ҳам давом этиши учун астойдил ҳаракат қилиб, кўпчиликка фойда етказиб яшашни афзал билади. Моҳир педагог, тажрибали мураббий, юзлаб шогирдларга устозлик қилган Алимардон Нуралиев ана шундай инсонлардан бири эди.

1929 йил Қашқадарё вилояти, Косон туманининг Тўқмангит қишлоғида Нурали ака ва Ҳикмат ая оиласида таваллуд топган Алимардон Нуралиев ота-онадан жуда эрта етим қолгач, тоғасининг қарамоғида бўлди. Унинг болалик ва ўсмирлик йиллари машғум урушининг дахшатли даври ва оғир тикланиш йилларига тўғри келди. Болаликдан қора меҳнатда суяги қотган, турмушнинг қийин синовларига кўниккан йигит далада тинмай меҳнат қилиш баробарида Тўқмангит қишлоғида жойлашган 10-сонли ўрта мактабни аъло баҳолар билан ўқиб тугатди.

Ўша даврларда умумий ўрта мактабларда ўқитувчилар етишмаслиги, айни пайтда Алимардон Нуралиевнинг тоғаси, маърифатли инсон Амирқул отаниннг йўл-йўриқ кўрсатиши ҳамда тавсияси туфайли Алимардон Нуралиев ҳам 1950 йилда Қарши шаҳри-

даги икки йиллик ўқитувчилар курсига бориб таълим олди. Ўқишни муваффақиятли тугатиб, вилоятнинг олис ҳудудларидан ҳисобланган Китооб туманидаги тоғли қишлоқда жойлашган мактабга ишга юборилади. Дастлабки даврларда йўқчилик сабабли устозимиз моддий томондан жуда қийналади, лекин ўзининг киришимли ва меҳнатсеварлиги сабабли тез орада ўнгланиб, маҳаллий аҳоли орасида обрў қозониб, «қаршилиқ муаллим» деган ҳурматга сазавор бўлади.

Китооб туманида ўқитувчилик фаолиятини бошлаган устоз ишга қаттиқ киришади, ўз устида тинмай ишлаб, тажрибали ўқитувчиларнинг ўқув-методик ишларини таҳлил этиб, малакасини ошириб боради. Унинг дарсида иштирок этган туман маориф бўлимининг раҳбари туман микёсида ўтказилган ўқитувчиларнинг катта йиғили-

шида устозни мактаб: «Қаранглар, Қаршидан келган Алимардон Нуралиев ёш бўлиши, қисқа вақт ишлаётганига қарамай тиришқоқ ва малакали экан, дарсига кириб, ўқув машғулотларини кўргазмалли қуроллар орқали баланд савияда ўтказаяётганига шахсан амин бўлдим. Ундан тажриба ўрганганлар», деб бошқа ўқитувчиларга тавсиялар берган экан.

Уч йил давомида Китооб туманида ишлаган устозимиз маиший турмуш қийинчиликлари ва баъзи бир оилавий сабаблар билан туғилган қишлоғига қайтиб, ўзи таълим олган ўрта мактабда ўқитувчилик фаолиятини давом эттиради. Бу ерда ишдан ажралмаган ҳолда аввал Қарши шаҳридаги ўрта-махсус педагогика билим юртининг кечки бўлимини, кейин Қарши давлат педагогика олийгоҳининг сиртки бўлимини имтиёзли диплом билан тугатади. Кўп йиллик фидокорона меҳнатлари ва фаоллиги учун «Халқ маорифи аълочили» унвони ва давлат мукофотлари билан муносиб тақдирланади.

Устознинг педагогик ишлари билан бир қаторда ўқувчиларнинг бўш вақтини банд этиш ва ота-оналар билан олиб борган ишлари ҳам таҳсинга сазовордир. Устоз ташаббуси билан

хар ҳафтаниннг шанба кунлари дарсдан кейин мактаб ўқувчилари билан очик мулоқот ташкил этилар, унда хар бир синф ўқувчиларининг ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинар, аълочи ўқувчиларнинг номлари эса мактаб радиоузели орқали эълон қилиб бориш йўлга қўйилган эди. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларни ўз устида ишлаш ва изланишга ундарди. Шунинг учун бўлса керак, хар йили устоз раҳбарлик қилган синфдаги ўнлаб ўқувчилар туман, вилоят, ҳатто республика миқёсида фанлар бўйича ўтказиладиган олимпиадаларда иштирок этиб, фахрли ўринлар билан қайтардилар. Турли йилларда устоз қўлида таълим олиб, мактабни битирганлар орасида нафақат республикамизнинг Қарши, Бухоро, Самарканд, Тошкент каби шаҳарларида, балки собик иттифокнинг Днепетровск, Орёл, Киев, Ленинград, Москва шаҳарларидаги олийгоҳларни тугатиб, кўзга кўринган шифокор, харбий, юрист, инженер, иктисодчи, ўқитувчи бўлиб етишиб чиққанлар кўп. Шогирдлари сафида фан номзодлари ва фан докторлари ҳам кўпайиб бормоқда.

Яна бир ҳолатни алоҳида таъкидлаш лозимки, устозимиз ўқитувчилик қилган йилларда хали



электр етиб бормаган, мактабдан узок масофаларда жойлашган Сарой, Перон, Узуннова, Шайхали, Кўлбуқа қишлоқларидан қатнаб ўқийдиган ўқувчиларнинг уйларига устозимиз тунги пайтлар қўлида фонус билан пиёда бориб, ота-оналар мажлиси ўтказар, хар бир ўқувчининг хулқ-атвори, ўзлаштириш даражаси тўғрисида ҳисобот бериб, айни пайтда ўқувчилар билимини ошириш, уларни назорат қилиш ҳақида ота-оналар билан ҳамжиҳатликда иш юритар эди.

Ҳа, барчага ўрнат бўладиган қийин ва сермазмун ҳаёт кечирган устозимиз бугун орамизда йўқ. «Халқ маорифи аълочили» Алимардон Нуралиевнинг эзгулик йўлидаги саъй-ҳаракатларини боғ яратган боғбонга ўхшатаман. У киши экиб кетган дарахлар – тарбиялаб камолотга етказган фарзандлари, шогирдлари амалга ошираётган хайрли ишлар бунинг яққол мисолидир.

Чори САТТОРОВ,
истеъфодаги полковник

ҲАЁТ – БУЮК МАКТАБ

«

Тарбия жараёнида миллий қадриятларимизнинг ўрناق олса арзигулик жиҳатлари кўп. Айниқса, бола тарбиясида шарқона қадриятларимиз, кўпни кўрган пиру бадавлат отахону онахонларимизнинг панд-насиҳатлари ҳаёт йўлларимизни ёритувчи шамчиноқ бўлиб хизмат қилади.

Мактаб таълимнинг вазифаси нафақат дунёнинг ажралмас манзарасини шакллантириш, балки мактаб ўқувчилари томонидан яхлит маънавий тарбия бериш сифатида ҳам тақдим этилади. Маънавият бирдан шаклланадиган жарён эмас. У боланинг ёшлигида оила ва мактабда олган яхши таълим-тарбиясига, ўқиган китобларидан олган сабоқларига боғлиқ.

Ҳаёт уммонида сузиб бораверган сайин унинг ўзи сенга нима тўғрию, нима нотўғри эканини кўрсатиб қўяверар экан. Аммо ундан ким қандай сабоқ чиқаради – бу унинг ўзига ҳавола. Шунинг учун ҳам айтишадик, «Гар инсон ҳаётдан олмаса таълим, Унга ўрғатолмас ҳеч бир муаллим».

Оталаримиз, момою боболаримиз ўғитлари биз учун тарбия. Отамнинг ҳар бир панд-насиҳати борки, у мен учун дастуриламал. Қуйида сизга отам билан боғлиқ ибратли ҳикояларни ҳавола қиламан.

Кўнларнинг бирида ишдан уйга келсам ҳовлида отам катта ўғлим билан гаплашиб ўтирган экан. Уларга кўринмасдан бирпас қулоқ солиб турдим. Отамнинг эндигина етти ёшга чиққан ўғлимга ҳадеб

ди. Ҳар куни, ҳар соат тарбиявий аҳамиятли ҳикоялар айтиб, боланинг онгига синдириш асло зарар қилмайди...

Қузак фасли эди. Тузлама қилаётган эдим, ордона қолгур мослама бузилиб қолса денг. Ишга шошаётганимдан ўғлим Султонмуродга шу маҳаллага келин бўлиб тушган синглимниқидан банка ёпгични олиб келишини тайинладим. Султонмурод бориб айтилган нарсани олиб келди. Ўғлимнинг дастёр бўлганидан қувондим.

Кечкурун оилада ҳамма жамулжам бўлиб овқатланаётгандик, синглим Ойсара кириб келди. У шкафи очик ётганини, ичида тугунда қўйган пули йўқолганини айтди. Ҳанг-манг бўлиб қолдик.

– Болаларимдан суриштирсам Султонмурод бир дўсти билан келиб банка ёпгични олиб кетди, дейишди...

Мен жаҳл отига миниб, ўғлимни тергай бошладим. Султонмурод бўлса «Мен олмадим, пулни кўрганим йўқ», деб ҳадеб пиқ-пиқ йиғларди. Шу пайт отам:

– Менинг неварам ўғрилиқ қилмайди. Мен бунга аминман, – дея неварасининг ёнини олиб, бошини силади-да, кейин мулоимлик

ди дегандим-ку. Пулни Абдулла шайтоннинг невараси олган экан. Қайтариб берди.

Шунда отамнинг ўғлимга берган панд-насиҳатлари қор қилаётганини сездим.

Отамни маҳаллада каттаю-кичик бирдек ҳурмат қилади. Маҳаллада бир чигал муаммо борми, икки кўшнининг уриш-жанжали борми, оилавий можаролар борми – ҳаммасига отам аралашиб юради. Тўғриси, маҳалла аҳли илтимос қилиб олиб кетишади.

Ишдан қайтсам, отам қўлида кичик бир тугун билан йўлга отланиб турган экан.

– Сафар оға оғирлашганмиш, бир бориб кўриб келай, савоб бўлади, – деди отам. Индамай қўя қолдим. Отам кетиб бўлгач, Сафар отамнинг оғир ётгани ҳақидаги гап-сўзлар ёдимга тушди.

– Бормаса яхши эди. Сафар оғани бир нав ётибди, дейишаётганди, – дедим турмуш ўртоғимга савол назари билан бокиб.

– Отамни биласиз-ку, билганидан қолмайдилар. Неча марта айтдим, аммо мана, барибир кетди.

Отам кун пешиндан оғиб касални кўриб қайтди.

– Қўлимда жон берди, менга илҳақ бўлиб ётган экан, – деди кўзига ёш олиб. – Йигитлик даврида шаҳарлик бир дўстидан катта қарз олган экан. Шунинг учун жон беролмай кийналиб ётган. Ўша одамнинг қарзини болалари узишига кафилик

Қишлоғимизда Матти исмли бир акамиз бўларди. Асли исми Маткарим бўлиб қишлоқда унинг исмини қисқартиришиб Матти деб қўяқолишарди. Бу хоразмликларга хос одат бўлиб отабоболаримиздан ўтиб келаётган удум бўлганлиги учун ҳеч ким ҳафа бўлмасди.

ҲАММА ГАП ГАЛСТУКДА Ҳажвия



Матти ака колхоз даврларида оддий тракторчи эдию, аммо пўрим кийиниб доим галстук тақиб юрарди. Тракторчи бўлса-да устига бирон гард юқтирмас, мабодо трактори бузилиб қолгудек бўлса, секин тракторидан тушиб эгнига эски комбинзонни кийар, қўлига қўлқопни олиб кейин тракторини тузатишга киришарди. Тузатиб бўлгач, кабинасида олиб қўйган сув билан қўлини совунлаб ювиб, тоза сочиққа артиб кейин янги кийимларини шошмасдан кийиб йўлига равона бўларди.

Билмаганлар уни асло тракторчимас, колхоз раиси деб ўйлашарди. Шунинг учун ҳам унга одамлар «Матти галстук» деб лақаб беришганди. Колхозлар тугатилиб Маткаримбой ҳам кўпчилик катори, миниб юрган тракторни хусусийлаштириб олди. Сўнгра уни яхшигина пуллаб, бозордан бир минилган «жигули» сотиб олиб қиракашлиқ қилиб одамларнинг узоғини яқин қила бошлади. Шунинг орқасидан рўзгорини тебратарди.

Ўша йиллари хивалик курсдошим ўғлига суннат тўйи қиладиган бўлиб оиламизни тўйга таклиф қилганди, аксига олиб машина ҳам панд бериб ишим Матти галстукка тушди. Тўёнага битта гиламни галстукнинг машинасига тиқиб, қайдасан Хива, дея йўлга тушдик. Борсак тўйхона гавжум. Дўстимиз тўй ташвиши билан юрган эканми, ёнимизга хизматда юрган йигитлардан биттаси югуриб келдию, Матти акани кўриб вилоятнинг катталаридан биттаси шекилли деб ўйладими минг тавозеъ билан қўли кўксига, уни махсус катталар учун тайёрлаб қўйилган давра томон қўлтиғидан тутиб олди кетди. Мени эса менсимайроқ каттанинг шофёри бўлса керак, деб ўйлаб, шофёрлар ўтирган ҳаминкадарроқ даврага қўшиб қўйишди.

– Сиз шу жойда ўтиратуринг бошлиғингиз чиққанда хабар берамиз, мана чой-нон бемалол ўтиринг, – деб шу кетишда тўй тугагунча кўриниш беришмади. Тўй тугаш арафасида курсдошим пайдо бўлиб:


– Э, бу жойда нега ўтирибсиз дея ҳалиги дастёр йигитни чақириб койиган бўлди. Менга хабар беришинг керак эди, роса уятга қўйдинглар, – дея дакки бераётса, у ҳам:

– Ака нима қилайлик, галстукли одам билан келганларига шофёри деб ўйлабмизда. Айб биздамас, айб галстукда, – деди қулиб. Шу-шу мабодо Хивага борадиган бўлсам, албатта галстук тақиб борадиган бўлганман.

Болтабой Мухаммад ҚУРБОН

Эълон!

1999 йилда Юнус Ражабий номли Тошкент педагогика коллежи томонидан Қасимова (Умарова) Мастура Улуғбековнага берилган 54-сон билан рўйхатга олинган Т № 119473 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



тўғрилиқ, ҳалоллик ҳақида ривоятлар айтиб ўтириши менга эриш туюлди. Ўғлим Султонмурод ҳам ривоят ёқиб қолган шекилли қўлини иягига тираганча чалқанча ётиб, уни эшитмоқда эди. Отамнинг ўғлимга бу ҳақдаги ривоятларни жуда кўп бора айтиб бериб ўтирганига гувоҳ бўлганим боис бир гал отамга сал қаттикроқ гапирган ҳам эдим.

– Ота, шу ёш бола ҳали сизнинг айтган ривоятларингизни ҳазм қила олармикан? Ундан кўра, дарсини қилса яхшироқ эди, – дедим. Отам чўққи соқолини силаб, бирпас жим турди-да:

– Болам, тарбияни аслида болага онанинг қорнидалигида бериш керак, агар билсанг. Тарбияда бир зум ҳам танаффус қилиб бўлмай-

билан сўради. – Султонмурод, ёнингда ким бор эди, ўғлим?

– Шоқир.

– Шоқир кимнинг ўғли, болам, – яна сўради отам.

– Мактаб кўчада турувчи Салим деган кишини, – деди ўғлим йиғлаб.

– Ҳмм, демак, Абдулла шайтоннинг невараси.

Отам бир нимани сездим, ўғлим ва синглимни олдига солиб, уларниқига қараб кетди. Дадаси ҳам жаҳл отига миниб улар билан кетмоқчи бўлган эди, – Сен қол, ўзим, – деди отам.

Бирор соатлар ўтгач, отам ўғлим Султонмуродни етаклаб кириб келди.

– Пул топилди, келин, менинг неварам ўғрилиқ қилмай-

бердим. У одам розилиқ бергач... кетди бечора.

– Узолмасалар-чи, ота? Қачон қарамай, шундай ғалвали ишларга аралашиб юрасиз, – дедим.

– Узишади, болам, узишади. Отасининг азоб чекиб ётганини кўрган ҳар қандай фарзанд ҳам ўзининг шу холга тушишини истамайди.

Сафар отамнинг ўтганига бир йиллар бўлганида отамнинг катта ўғли Жонибек отамни машинасига миндириб олиб кетди. Ака-укалар Россияда ишлаб ўша қарздан қутилишган эди.

Ҳа, ҳаёт – буюк мактаб. Ундан доно ҳам, нодон ҳам бирдай таълим-тарбия олади. Тўғри хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

Дилором ҚУВОНДИҚОВА,
Қўшқўпир туманидаги
17-умумтаълим
мактаби ўқитувчиси

АМУ-БУХОРО ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ БУХОРО ВИЛОЯТИ НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ ВА ЭНЕРГЕТИКА БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Халқимизни хайр-саховат, меҳр-оқибат айёми бўлган Рамазон ҳайити байрами билан самимий муборакбод этади!

Янги Ўзбекистонни бунёд этишда мамлакатимизда илм-маърифатга интилиш, инсонпарварлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат тамойиллари тобора кенг қулоқ ёзмоқда. Бу йўлда барчага мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, омад ва муваффақиятлар тилаймиз!

Ҳазрат Навоий «Инсонларнинг яхшиси инсонларга манфаат келтирганидир» деганларидек, бугун ирригатор ва сувчиларнинг катта жамоаси эл ризқи бут бўлиши, еримизга оби-ҳаёт кириб келиши учун фидокорона меҳнат қилмоқда.



Тинчлик-хотиржамлик ва саодатли кунларимиз бардавом бўлсин!

Байрам муборак, азизлар!



МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарк» нашриёт-мағбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Бош муҳаррир

Ҳусниддин
БЕРДИЕВ

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-427
ISSN 2181-6190
Обуна индекси — 193
Алади: 1 323 нусха.
Нархи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табок.
Оффсет усулида босилган.
Чоп этишга топширилди: 20:00

